

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 114 (7.107). Sotuvda erkin narxda

ОЛТИН КУЗ ФАЛСАФАСИ:

“Заҳматкаш ўзбекнинг ҳосили қандоқ?”

Юртимизда файзли-баракотли, саҳий-саховатли олтин куз кезиб юрибди. Этаги уфқларга туташ далаларимизда, бепойн бог-роғларимизда айни тўқинлик, пишкчилик айвни. Бугун барчанинг ўй-хаёли, фикри ёди ягона мақсадга – ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишга қаратилган.

Айниқса, пахтакорларимиз учун ҳар бир фурсати тиллоларга тенг тиз, масъулиятли дамлар ўтиб борапти. Боиси, айни шу кунларда йил бўйи қилинган меҳнат маҳсули тарозига тушапти, кимнинг қандоқлиги, қандоқ ишлагани, сўзида собиту устуворлиги, гурури, орияти нечоғлиги бугун маълум бўляпти.

Олтин куз деҳқонларни, фермерларни, раҳбар мутаассадиларни бирма-бир синов-имтиҳондан ўтказаяпти. Эътироф этиш керакки, бу йил пахтакорларимиз зиммаларидаги бурчларини чин дилдан ҳис қилган ҳолда, қаттиқ меҳнат қилишди. Ернинг асосий қисми фермерлар қўлига ўтганлиги, мулк ҳаққий эгасини топанлиги, қишлоқ мулкдорларининг ўз меҳнатларидан барака топишлари учун Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида олиб борилаётган чуқур иқтисодий ислохотлар, самарали ишлар деҳқонларимизнинг кўп йиллик тажриба ва маҳоратига омикта бўлиб, далаларимизда мўлжалдагидан зиёд ҳосил яратиш имконини берди.

Эндиликда ана шу ҳосилни тезроқ, ёгин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олиш кўннинг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Пахта мавсуми ҳар бир қишлоқ меҳнатқилишидан, фермердан, иш тепасида турган ишбошию ташкилотчилардан юксак сафарбарлик ва ушқоқликни таъминлаган ҳолда оқилона иш юритишни талаб этади. Қаердаки, мавжуд имкониятлар, ишчи кўчларидан тўласинча фойдаланилса, дала меҳнатчиларига, термичиларга, хашарчиларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилса, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги таъминланса, ўша ерда муваффақият бўлади.

Дўстгинам, пайтимас, айлаб сайрибоғ, Хилватда ўй суриш ярашмас бугун. Заҳматкаш ўзбекнинг ҳосили қандоқ? Кузнинг фалсафаси шудир биз учун.

Айтил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Чорак аср муқаддам “Шофиркон” қоракўчлик ҳўжалиги ташкил этилган. Ушанда бу ҳудудда юз фоиз қора тусли кўй боқилган. Бугунга келиб ҳўжалик Абай номидаги насличилик ширкати

“Ўзбекистон кумуш сури” олтинга тенг

деб аталиб, унинг яйловларида “Ўзбекистон кумуш сури” зотли кўй парвариш этилапти. Мустақиллигимиз билан боғланганлиги учун ҳам унга “Ўзбекистон кумуш сури” номи берилди. Хуррият йилларида юзага келган ва илмий асосланган бу зот мамлакат қоракўчлиги ривожига қўшилган катта ҳисса, десак муболага бўлмас.

(Давоми 3-бетда)



Мавсум

СУРАТДА: олтин-кўллик термичи Каримахон Маманабиева. Х.АРАББОЕВ олган сурат

лик режанинг 4-5 фоизи миқдорда пахта топириштирилади. Фарғоналик, наманганлик пахтакорлар ҳам қаровондан ортада қолмаслик пайида бўлишмоқда.

Олтин кузнинг ўз фалсафаси бор. Бугун мамлакатимиз далаларида асосий бойликларимиздан бири “оқ олтин” тақдир хал бўляпти. Мақсад уни нес-нобуд қилмай, тезроқ йиғиштириб олишдир. Шундай экан, бугун ҳамма-ҳамманинг ўрни далада, пахтазорда.

Оташин шоиримиз айтганидек:

Фермер англаган ҳақиқат

Қизилтепа туманидаги “Адолат машъаласи” фермер ҳўжалиги учун шартномадаги пахтани териб топиришига 16 иш кунни қийфа қилди. Биринчи теримнинг ўзида 27 гектар ердан 87 тонна ҳосил йиғиштириб олинди.

– Бу биз учун дастлабки босқич, ҳолос, – дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Баҳодир Самадов. – Мўлжалимиз яна қирқ тоннага яқин пахта сотиб, ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш. Ана шунда ялпи даромадимиз салкам 50 миллион сўмга етади.

– Шунча пулни нима қиласиз? – сўраймиз.

– Жойи бор, – дейди Баҳодир жиддий тарзда, – даромадимизнинг асосий қисмини биринчи таъд аъзоларимизнинг манфаатдорлигини оширишга, кам таъминланган оилаларга ёрдамлашишга, кўронимиздаги мактаб ва богча таъмирига кўмаклашишга йўналтирмақчимиз.

(Давоми 2-бетда)

дунё саҳнасида

Дунё саҳнасида

(Давоми 3-бетда)

Фармон ва ижро

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги йилларда “текшириш”, “тағтиш” тушунчаларининг моҳияти тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2005 йил 5 октябрда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини текши-

“Текширувчи” ва “текширилувчи”

ришни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кўчатиришни аниқ белгилаб берди.

(Давоми 2-бетда)

Президентнинг Фарғона сафари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 20 сентябрь кун Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳрида барпо этилган савдо мажмуини бориб кўрди. Бу ерда тўрт юздан ортиқ савдо дўкони бўлиб, харидорлар, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Президент ушбу мажмуа ишини янада такомиллаштириш, замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан мутасаддиларга тўғрисида тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига биноан шу кунларда мазкур шаҳар тўйига қизгин ҳозирлик кўришмоқда.

Юртбошимиз Марғилон шаҳрида бўлиб, юбилейга тайёргарлик ишлари билан танишди.

Бугун Марғилон шаҳрида бўлган киши бу ерда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўлади. Айни пайтда шаҳардаги 35 та иншоотда қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этаётди. Улар орасида Пир Сиддик мажмуаси, Улуғмозор зiyorатгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музейи, Саид Аҳмад Хожа Эшон мадрасаси бор. Бу ерда ёшлар учун ўзига хос кўриниш ва қўлайликларга эга “Ёшлар хибони” бунёд этилмоқда. Шаҳар марказидаги шохбекатни қайта қуриш, Мустақиллик, Туркистон, Навоий, Марғилоний ва Ал-Фарғоний кўчаларини капитал таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида Узунқовуз маҳалласида сув тармоғини қуриш, Евқочар маҳалла ҳудудидаги магистрал газ тармоғини халқалаштириш, ичимлик сув тармоқларини капитал таъмирлаш, электр энергияси таъминотини янада яхшилаш ишлари режа асосида олиб боришмоқда. Ипакчилар шаҳарчасининг “Турон шойиси” қорхонаси ҳудудида замонавий савдо мажмуаси барпо этилмоқда. Шаҳарчани темир йўл мавзеси билан боғловчи автотомбиль йўли қурилиши давом этмоқда.

– Икки минг йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик қўриллаётган Марғилон шаҳрида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш билан бирга, бу ерда яшайдиган аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қиладиган янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур, – деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари каби таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу

ният мужассам. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ бу йил Фарғона вилоятида 85 та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Иккита янги мактаб бунёд этилди. Жумладан, Марғилон шаҳрида салкам минг ўринли замонавий мактаб қуриб битказилди. Лекин асосий мақсад таълим масканларининг ташқи қиёфасини ўзгариштириш, уларнинг шароитини яхшилашдан иборат эмас, балки уларда олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдан, ҳар жиҳатдан қамолга етган баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Президентимиз Марғилон шаҳрида қад ростлаган янги табибёт коллежида бўлиб, мазкур таълим маскани ўқувчилари ва педагоглари билан суҳбатлашди. Бундай таълим масканларида, аввало, таълим мазмуни ва маънавий томонларига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, табибёт коллежи билан поликлиниканинг бир жойда жойлашгани амалиёт нуктаи назаридан мақбул бўлса-да, аҳоли ва ўқувчилар учун муайян ноқўлайликлар келтириб чиқариши мумкин. Шу боис поликлиникани коллеждан ажратиш лозим.

– Коллежда ўқувчиларнинг ўқиши, дам олиши замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун бу ерда ётоқхона ҳам бўлиши зарур, – деди давлатимиз раҳбари. – Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсадимиз – фарзандларимизнинг мукамал таълим-тарбия олишлари, ўз соҳасининг етуқ мутахассислари бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Юртбошимиз Марғилонда яқинда қурилиши ниҳоясига етган, қирқдан ортиқ оилага мўлжалланган шинам уйлари кўздан кечирди. Хонадонларда яратилган қулай шароитлар билан танишиш чоғида кишиларнинг руҳини кўтарадиган, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бундай амалий ва хайрли ишларни янада кўпайтириш лозимлигига эътиборни қаратди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ниятлар мужассам. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, ислохот – ислохот учун эмас, ислохот инсон учун эканлиги амалда ўз ибодтини топмоқда. Фарғона вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам бу фикрни яққол исботлаб турибди.

Ислохотлар – қишлоқдаги ўзгаришлар асоси

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бориши, қишлоқ ҳўжалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида 20-21 сентябрь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Шу кунларда мамлакатимиз пахта майдонларида йитим-терим ишлари қизгин паллага кирган. Юртимизнинг улкан пахта қирмони бунёд этилишига Фарғона вилояти деҳқонлари ҳам салмоқли ҳисса қўлади. Жорий йилда 323 минг тонна пахта етказиб беришга бел боғлаган вилоят миришкорлари шу кунга-

ча давлат буюртмасининг қарийб қирқ беш фоизини бажардилар. Бу борада Олтиариқ, Бағдод, Езёвон, Учқўриқ туманлари пешқадамликни кўрдан бермаётди.

Агар соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси сифатида ташкил этилган салкам 19 минг фермер ҳўжалигидан 7570 таси пахтачилик билан шуғуланмоқда. Уларнинг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги улushi қарийб саксон фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич йил сайин ортиб бораётди. Вилоятнинг асосий пахта майдонларига жорий мавсумда гўзанинг водий иклими ва тупроқ шароитига мос «С-65-24», «Наманган-77», «Тошкент-6» навлари экилган эди.

Президентимиз Охунбобо-

ев туманидаги «Шерзодбек» фермер ҳўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар билан қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самаралари, хусусан, Фарғонада пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида суҳбатлашди. Мулоқот чоғида фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари нафақат мамлакатимиз вилоятларини, балки Фарғона вилоятининг туманларида ҳам ер ва иқлим шароити фарқланishiга эътиборни қаратди. Хусусан, Марказий Фарғона ерлари ўзига ҳослиги билан ажралаб туради. Бу эса ушбу ҳудудларда фаолият юритаётган фермерлардан алоҳида билим ва тажриба талаб қилади.

(Давоми 2-бетда)

АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ “ГАЗ” ОАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM PLUS

“ГАЗ” русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтарилган фургонлар, 6-15 ўриндикли микроавтобуслари сотилади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

деб аталиб, унинг яйловларида “Ўзбекистон кумуш сури” зотли кўй парвариш этилапти. Мустақиллигимиз билан боғланганлиги учун ҳам унга “Ўзбекистон кумуш сури” номи берилди. Хуррият йилларида юзага келган ва илмий асосланган бу зот мамлакат қоракўчлиги ривожига қўшилган катта ҳисса, десак муболага бўлмас.

(Давоми 3-бетда)

Ислоҳотлар – қишлоқдаги ўзгаришлар асоси

(Боши 1-бетда)

Бахтиёр Тўхлиев раҳбарлик қилаётган "Шерзодбек" фермер хўжалиги ҳам мана шу ҳудудда жойлашган. 59 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермер 30 гектарда "С-65-24" навли гўза парваришлаб, биринчи теримдаёқ қабул пунктига 75 тонна хом ашё топширди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун фермердан умуман, деҳқондан нафақат эркин экиш ва уни парваришлаш, айти чогда етиштирилган ҳосилни сотиш ҳамда даромад оlishининг пухта ҳисоб-китобини юридаганимиз даржада замонавий фикрлаш ҳам талаб этилади. Бунинг учун чигит экишда нав танлай билиш, қанақа толангич жажон бозорига харидорлигини ўрганиш, бошқача айтганда, бозор конъюктурасини билиш лозим.

Исло Каримов шароити нисбатан мураккаб эрларда деҳқончилик қилаётган фермерларга қўшимча имкониятлар яратиб бериш лозимлигини таъкидлади.

– Бу боқимандалик кайфиятини юзага келтирмасмикан, деган савол тўғрисида мумкин, – деди Президентимиз. – Бундай бўлмади. Чунки одамларнинг ерга, меҳнатга муносабати ўзгарган. Иқтисодий манфаатдорлик, соғлом рақобат бор жойда бундай кайфият ҳукмронлик қилолмайди. Фақат фермерларнинг шароитини атрофлича ўрганиш,

шунга қараб имтиёзлар бериш керак.

Ўртбошимиз Фаргона туманининг Бобур номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги Фозилжон Элчибоев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги далаларида бўлди. Деҳқон ва механизаторлар билан бўлган суҳбатда давлатимиз раҳбари қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис тизимини ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш зарурлигини кайд этди. Бу масалаларга фермерлар ҳам алоҳида маъсуллик билан ёндашиб, кўпгина хайрли ишлар қилиши мумкинлигини таъкидлади.

– Инсон нафақат пул топишни, балки маблағини оқилона сарфлашни ҳам билиши керак, – деди Президентимиз.

– Дабдабали тўй-томашлар қилиб, қўша-қўша машинаю, қават-қават уй қуришга пулни аямаятган тadbиркору фермерлар ҳам йўқ эмас. Албатта, булар яхши, ҳалқимиз турмуши фаровонлигидан далолат беради. Лекин ҳамма нарса мейёрида бўлгани маъқул. Топилган маблағ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, қишлоққа sanoatни олиб киришга сарфланса, бундан тadbиркор ҳам, бошқалар ҳам кўпроқ фойда куради. Чунки, фермер бойсиз – юрт бой бўлади.

Президентимиз шу ерда теримчи қизлар билан суҳбатлашди, уларнинг турмуш шароити билан қизиқди. Теримчи-

лар хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ аёлларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги гамхўрлик ва изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар учун Ўртбошимизга миннатдорлик билдирдилар.

Қувасой шахридаги "Қварц" акциядорлик жамияти мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга корхона. Давлатимиз раҳбари маъруз жамият ва унинг ҳузурига фаолият юриятган "Алэста гласс" шубъа корхонаси фаолияти билан танишди. Уч мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган маъруз корхонада замонавий технологияга асосланган янги линия ишига туширилган, маъсулот ишлаб чиқариш сифати ва самардорлиги тубдан ўзгарди. Йилга 140 миллион донга, 60 турдаги шафтоф ва рангли шкша идиш ишлаб чиқараётган корхонада қурилиш соҳасида ишлашларидаги ойналар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхона маъсулотларига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта.

Президент Исло Каримов юртимизда "Алэста гласс" каби замонавий sanoat корхоналарини кўпайтириш лозимлигини таъкидлади. Янги корхоналар ва янги иш ўринларининг очилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг, энг муҳими, ҳалқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилади.

Воҳид ЛУҚМОНОВ, Масъуд СУЛАЙМОНОВ, ҲА маъсус мухбирлари.

(Боши 1-бетда) Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жорий йилнинг саккизи ойи мобайнида Жиззах вилояти хўжалик суди томонидан тadbиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарима қўллаш юзасидан 250 та ариза кўрилган. Шундан мазкур мазмундаги аризаларнинг 44 таси қаноатлантирилмасдан қолдирилди. Шу билан бирга 10 та ариза бўйича тadbиркорлар томонидан етказилган зарар ва пеня суммалари тўлаб берилганлиги сабабли улар молиявий жарима қўллашдан озод этилган. Демак, 44 та тadbиркор суд орқали айбисиз деб топилган бўлса, 10 та тadbиркор суд томонидан молиявий жазодан озод этилган.

Шу ўринда қуйидаги мисолга диққатингизни жалб этмоқчимиз.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Фаллаорол туман ҳудудий комиссиясининг 2006 йил 4 июль кунги рухсатномаси ва туман ДСИнинг 10.07.2006 йилдаги 123-Х-С сонли буйруғига асосан тумандаги "Алишер" хўсусий корхонасига қарашли "Сарбозор" қишлоқда жойлашган автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчасида Вазирлар Маъҳамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларининг банқдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги қарори талабларининг бажарилиши юзасидан қисқа муддатли назорат тартибиде текшириш ўтказилган.

Текшириш ҳужжатларидан қўринишича, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш туман ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси, Фаллаорол туман ДСИнинг 2006 йил 10 июль кунги 123-сонли буйруғлари билан текшириш ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект, яъни "Алишер" хўсусий корхонаси тегишли тартибда ёзма тилхат орқали таништирилмаган. Шунингдек, солиқ ходимлари томонидан 2006 йил 10 июль кунги далолатнома тўдирилган бўлса-да, ушбу далолатноманинг бир нусخаси хўсусий корхона раҳбарига имзо қўйдирилмаган; далолатнома билан таништи-

рилмаган ва нусхаси корхонада қолдирилмаган. Шунингдек, солиқ ходимлари томонидан ўтказилган текшириш "Алишер" хўсусий корхонасининг "Текшириш-ларни рўйхатга олиш китоби"га тегишли тартибда тўдирилмасдан ўтказилган. Текширувчилар суд мажлисида шохобча оператори томонидан текширишларни кайд этиш китоби тақдим этилмади, деган ваз билан

ев ўғли ва Олтиной деган таниши билан чойхонага тамадди қилиш учун киришган. Хўрандалар оқватланишиб бўлганидан кейин ошхона хизматчисидан қанча бўлишини сўрагач, ошхона хизматчиси жами 6400 сўм бўлишини билдирди. Хўранда ўзида 5500 сўм пули борлигини, қолган 900 сўмини 20 минут ичида келтириб беришини айтган. Аммо, ошхона хизматчиси

Текшириш давомида фирма томонидан алоқоли маъсулотларга пул кўчириш учун банқдан алоҳида ҳисоб рақам очилмаганини ҳам маълум бўлган.

Натижада солиқ инспекцияси вилоят хўжалик судига ариза билан муурожаат этиб, ҳуқуқбузарлик содир этган вақтида энг кам иш ҳақи 9400 сўм эканлигини инобатга олиб, унинг 100 баробари миқдориде, яъни 940000 сўм

рози бўлмаганидан кейин хўранда уқсиникига бориб 1000 сўм олиб келади ва ошхона хизматчисига 6500 сўм миқдоридеги пулни беради. Ошхона хизматчиси хўрандага 100 сўм қайтим пулини бераганидан сўнг хўранда ошхона сотувчисидан 100 сўм қайтим пули ҳамда савдо чекини беришликни сўрайди. Шундан сўнг ноилоҳ қолган ошхона сотувчиси 100 сўм пулни қайтаради, аммо савдо чекини беради.

Ошхона сотувчиси хўрандалардан олинган 6400 сўм савдо пулини олиб, ошхонада ўрнатилган назорат касса машинаси хотирасига киритмайди ва унга харид чекини беради. Воқеа жойида фирма текширувчилар чойхонага кириб, фирма бошлигини ўз хизмат ва текшириш гувоҳномалари билан, шунингдек, текшириш буйруғи билан таништиришади. Шу билан бирга, текширувчилар фирма раҳбарига буйруқ билан танишганлиги тўғрисида имзо қўйдирилган ҳолда тилхат олишади.

Текширувчилар томонидан фирма раҳбаридан текширишларни рўйхатга олиш китоби сўралганида фирма учун тўнди китоб тузилмаганлиги маълум бўлган. Ошхонага ўрнатилган "ОРИОН ЮОФ" русумли назорат касса машинасининг техник ҳолати текшириб қўрилганида, завод пломбалари жойидеги, назорат касса машинасининг қулчиқ "Х" ҳисоботи чиқарилганида 12600 сўм савдо пули киритилганлиги аниқланган. Ошхона хазинасидеги мавжуд савдо пуллари санқдан ўтказилганида 13500 сўмини ташкил қилиб, ўзаре солиштирилди қўрилганида 900 сўм савдо пули назорат касса машинаси хотирасига кириб қилинмаганлиги аниқланган.

Таъкидлаш лозимки, қонунларнинг сўзсиз бажарилиши хоҳ у тadbиркор бўлсин, хоҳ у давлат идораси ходими бўлсин ҳамма учун мажбурийдир. Шу ўринда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юрtdошларимизга шуни ҳам эслайтиб ўтишни жоиз деб билдикки, ота-боболаримиз тижорат ишига, ишбилармонликка қўл урган кишилар соғ вайдонли ва ҳалол бўлишини доимо ўқтириб келишган.

Кези келганда айтишимиз лозимки, бугун тadbиркор бўлмаган, деганга йўл ҳаммиса очилди, қонунда белгиланган хоҳлаган ишигини қилиши мумкин, ҳеч ким сининг йўлигини тўсмайди. Ишляясизми, қонунни бузмадингизми, ҳалолингиз бўлсин, қонун ҳам сизни қўллайди.

Комил СИНДАРОВ, Жиззах вилоят хўжалик суди раиси.

“Текширувчи” ва “Текширилиувчи”

Фермер англаган ҳақиқат

(Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, фермер хўжалигида деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигига жиддий аҳамият берилганлиги гувоҳ бўлди. Эътибор беринг, пахта теримининг биринчи беш кунлигида теримда қатнашаётган ўттиз оиланинг ҳар бирига 80 минг сўмдан пул теғди. Еки режа бажарилган кунгача одамларга оз эмас – 6 миллион сўм пул тарқатилди. Умуман, терим бошланганидан бери ҳар бир оила ўртача 200 минг сўмдан даромад эгаси бўлди.

– Меҳнатларимиз роҳатини кўрпямиз, – дейди сўзида давом этаркан Баҳодир Самадов. – Биласизми, бу ниманинг самараси?

– Айтингчи? – Президентимиз, ҳукуматимиз бизга ўхшаган ҳар бир фермернинг дилидагини англаб, барча имкониятларни яратиб бераётганида. Ёниги, ўғит, техника? эҳтиёт қисм, иш ҳақи... Ҳаммасини ўз вақтида олягиз. Керак бўлса, далага келтириб беришяпти. Яна нима керак? Фақат биздан меҳнат, меҳнат қилган эса энда сўм. Бу нақднинг асл маъносини биз мустақиллик йилларидагина англаб етдик...

Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.



Шахрисабз туманидаги Гулистон жамоаси хўжалиги ҳудудида икки йилдики фаолият кўрсатаётган бичиш-тиқиш шеҳига қўли гул чевар Рисолат Мухаммадиева раҳбарлик қилади. Бу ерда ўндан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминланган, улар тайёрлашган кийим-кечаклар харидорларга манзур бўлмоқда. Суратларда: Рисолат Мухаммадиева шогирдлари билан. Б.АКРАМОВ олган сурат.

Суръат ошмоқда

Шу кунларда Самарқанд вилоятида пахта йғим-терими кизгин бормоқда. Бугунгача йиллик режанинг 75 фоизи миқдориде пахта топширган пайақликлар вилоятда қарвонбошилик қилишаётган бўлса, Нарпай, Пахтачи, Жомбой, Иштихон тумани пахтакорлари сафарбарлиқни таъминлаган ҳолда ҳар кун йиллик режанинг 4,5-5 фоизи миқдориде пахта топширишга эришилмоқда.

Бугун вилоят пахтазорларида 200 минг нафарга яқин теримчи ва ҳашарчилар кузанинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, меҳнат қилишяпти. Ҳар бир теримчининг кунлик иш унуми 62 килограммдан ташкил этмоқда. Вилоят бўйича ўтган куннинг ўзида 10286 тонна пахта йғиштирилди. Бу йиллик режанинг 4,15 фоизига тенг.

Вилоятда терим сифатига, теримчиларнинг моддий манфаатдорлиги алоҳида эътибор берилганлиги ўз натижасини берапти.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

10 кунда 210 минг сўм

Алишер Навоий номи ширкат хўжалиги теримчиси Мавлуда Холмирова икки беш кунликда 210 минг сўм пул олди. Унинг мусобақадош дугонаси Комила Норматованинг қўлига эса 170 минг сўм теғди. Бугун ширкат бўйича теримда қатнашаётган тўқсондан ортақ теримчининг ҳар бири кунига 8-10 минг сўмдан ҳақдор бўляпти.

Терим тақдирини биринчи галда теримчилар, чевар қўллар ҳал этади, туманда, ҳар бир килограмм пахта учун 53 сўмдан, ҳар беш кунда пул бериляпти. Ун бешинчигача бўлган беш кунликда 82 миллион сўм, 20 сентябргача эса 76 миллион сўм теримчиларга берилди.

Моддий манфаатдорлик жойига қўйилганлиги, пахта пули ўз вақтида бериб борилаётганлиги, албатта, ҳосилни тез, сифатли теришга омил бўлмоқда. Бугунгача тумандаги "Дадабоев Иброҳимжон-Жамид", "Абдуғаффор Маъмура-Носиржон" каби ўнлаб фермер хўжалиқлари режаларини бажариб, мажбурият ҳисобига ҳосил топширишаётди. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи навларга сотиляпти.

Рустамжон УММАТОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Кундалиги кунда

Сирдарё вилоятида пахта йғим-терими мавсумига қўрилган чора-тadbирлар ўз самарасини берапти. Вилоятда кунига йиллик режанинг тўрт фоизи миқдориде пахта териб топширилмоқда. Йғим-терим ишларида 1400 отрядга бўлинган 207 мингдан зиёд теримчи жалб қилинган.

Теримчиларга, ҳашарчиларга яратилган шарт-шароитлар иш суръатига суръат қўшяпти. Айниқса, терим пулларини кундалигини кунда дала бошига олиб бориб берилиши яхши самара берапти.

Об-ҳавонинг ғанимат дамларидан фойдаланган вилоят пахтакорлари ғайрат-шижоат натижаларини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бугун ёшу қари барча-барча касби коридан қатъи назар ризуку рўзимиз бўлган пахтани нес-нобуд қилмай йғиб-териб олишга бел болаган.

Зафар маррасини аллақонан эгаллаган 600 дан зиёд фермерлар даласида ҳам терим суръати бир ум бўлса-да бўшаштирилган йўқ. Айниқса, "Барака", "Сирли Орол", "Келажақ", "Камолдин", "Камолот", "Абдуалим ота", "Ҳотам ўғли Мурод", "Тулбос" фермер хўжалиқлари бу мавсум икки ҳисса ҳосил олишга ҳаракат қилишмоқда.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Хабарлар

Маъсулотлар хорижга

Навбахор туманидаги "Бентонит" Ўзбекистон – Швейцария қўша корхонасиде ишлаб чиқарилаётган бентонит глини мамлакатимиздаги нефть ва газ қудуқларини бургулаш ишларида қўлланиляпти.

Яқин йилларга хориждан келтирилган бу sanoat маъсулот эндиликда Қозоғистон, Буюк Британия, Россия, Қирғизистон, Чехия каби давлатларга ҳам сотиляпти.

Қулайлик яратилди

Нурота туманидаги ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходимлари хайрли ишга қўли уриб, ўзлари учун янги маъмурий бинони ҳашар йўли билан қуриб битказдилар.

Жами майдони 168 квадрат метр бўлган 7 хонадан иборат замонавий бинода ходимларнинг ишлаши учун барча қулайликлар яратилди. Бу мўъжаз бинонинг қисқа муддатда қурилишига Навоий вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, Нурота тумани ҳокимлиги ҳамда тadbиркорлар амалии ердан кўрсатдилар.

Ерни қадрлаган қадр топади

Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси томонидан "Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш замонавий техника ва технологиялар асосида мувофиқлаштириш" мавзусида илмий-амалии анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилишга оид муносабатлар низомини тартибга солиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, замонавий техника ва технологияларни қўллаш асосида мувофиқлаштиришни ташкил этишда давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимиятлари билан ҳамкорликда иш юритиш билан боғлиқ бўлган барча тadbирларни амалга оширишни тақомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида сўз юритилди.

Х.ЭШОНКУЛОВ

ИПОТЕКА БАНК: Фаолият доираси ранг-баранг

бўлса керак, иш ҳақи тўлаш жараёнида узлишларга йўл қўйилмаётди. Иккинчи омил эса акцияларга бериб борилаётган дивидендлар киймати-нинг йил сайин ошиб бораётганлигидир, десак асло инглишларан бўлмас.

Хусусан, ойлик касса режалари мунтазам бажариб бориляпти. Дебитор-кредиторлар қарзларни қисқартириш мақсасида корхона ва ташкилотлар устидан доимий мониторинг ўрнатилган.

Маълумки, республикамизнинг барча минтақаларидаги сингари Қорақалпоғистонда ҳам деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолиятига катта эътибор берилмоқда. Биргина шу йилда республика мексидеа етиштирилган галла хирмонининг сарбалаб бўлишида фермерларнинг улushi салмоқли бўлди. Хозирда эса улар пахта йғим-теримиде фаол иштирок этишаётди. Янгидан ташкил этилаётган деҳқон ва фермер хўжалиқларининг оёққа туриб олишида бошқа банклар сингари Ипотека банки ҳам асосий қўмакчи вазифасини ўтамоқда. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида энди иш бошлаган қўллаб-қувватлаш ва фермер хўжалиқлари ердан кўрсатилди. Ҳаммаси бўлиб 422,9 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Айниқса,

ни ривожлантириб, эл-юрт дастурхонини тўқин бўлишига ҳисса қўшиш. – Банк ходимларининг аниқ ва тез ишлаши менга, айниқса, маъқул келди, – дея ҳамкасбасанинг фикрини қувватлади тadbиркор Звайхон Жумагалиева. – Шу йил бошида узоқ йиллардан бери қўнғимга туғиб юрган ниятимни амалга ошириш мақсасида уч миллион сўм кредит сўраб банкка бордим. Бизнес режамни, фойда олиш имкониятини билишгач, дарров маблағ ажратишди. Ортиқча чоп-чопларсиз пулни олдим. Хозир чорва бош сонини ошириш ҳаракатидеман.

Қорақалпоғистонда фермерчилик ҳаракатини ҳар жиҳатдан ривожлантириш минтақа истиқболининг асоси эканлигини теран англаган ҳолда чора-тadbирлар қўрилмоқда. Фермерлар учун зарур инфратузилмани вужудга келтириш, уларга қўлай хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш муҳим масала.

Шу сабабдан замонавий, барча шарт-шароитлар яратилган кичик мини банкларни ишга туширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда банкка қарашли Беруний, Хўжайли, Нукус шахридаги ўрта мини банклар миқдорларга самарали хизмат кўрсатмоқда. Мазкур кичик шохобчаларда



компьютер, модем алоқалари ва яна бошқа керакли жиҳозлар мавжуд. Тadbиркорлар бурчаги ва ишонч төлефонлари доимий ишлаб турибди. Ушбу шохобчалар айни вақтда нафақат фермерларга, балки худудларда иш юриятган бошқа қўллаб-қувватлаш ва кичик бизнес субъектларига ҳам хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда фермерларга техника, эҳтиёт қисмлар ва қорамол учун йирик миқдорда кредитларнинг берилаётганлиги миқдорларни қувватлига қолмай, банк салоҳиятининг юксалишига хизмат қилимоқда.

– Мамлакатимизда пластик картчалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди АТ Ипотека банкининг Қорақалпоғистон минтақавий филиали бошлиги ўринбосари Ўтепберген Турдиқулов. – Вазирлар Маъҳамасининг 2004 йил 24 сентябр-

“Ўзбекистон кумуш сури” олтинга тенг

(Боши 1-бетда) - Қизилкум худудида яратилган бу зотнинг ўз авлодларидан устунлиги ақлол кузага ташланмоқда...

Абай номи наслчилик ҳужа-лигида 80 минг бош, “Қизилкум” наслчилик ширкатида 75 минг боши ташкил этилади...

Ҳар йили 15 минг қўй гушта сотилиб, ширкат иқтисодийети-ни янада мустақамлашди...

Ҳар йили 15 минг қўй гушта сотилиб, ширкат иқтисодийети-ни янада мустақамлашди...

Ҳар йили 15 минг қўй гушта сотилиб, ширкат иқтисодийети-ни янада мустақамлашди...

Баранг тери хилларини кўпай-тириш борасида изланишимиз лозим...



Таиландда нима гаплар?

Таиландда содир этилган ҳарбий тўнтаришга бош-чилик қилган генерал Сонтхи Бунраттлин мамлакат-да сайловлар келгуси йили ўтказилишини маълум қилди...

Намойишчилар талаби

Венгриянинг Будапешт шаҳрида юзага келган ва-зиятни бартараф этиш ширки кечмоқда...

Исроил-Ливан можароларининг бошланишига асо-сий сабаб бўлган ҳарбий Гилад Шалит солпа-соғ...



“Атлантик” қайтиши кечикяпти

Фазодаги “Атлантик” космик қосмасининг Ерга қай-тиши кечиктирилмоқда...



Ер остидаги фожиалар

Қозғоғистоннинг Қарағанда ҳамда Украинанинг До-нецк вилоятидаги кўмир конларида бир вақтда фо-жиа рўй берди...

Рекорд ўрнатаман деб...

BBC корпорациясининг автомобиллар тўғрисидаги Top Gear кўрсатуви бошловчиси Ричард Хамман ҳалокатга учради...

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! Инжиниринговая компания “СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА” Ташоблхокимията

объявляет конкурсный отбор по новому строительству, реконструкции и капитальному ремонту общеобразовательных школ и профколледжей 2007 г.

Table with columns for different districts (e.g., Букинский район, Бекабадский район) and lists of schools/colleges for renovation or construction.

ЗАКАЗЧИК: ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ “СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА” Ташкентской области. ОРГАНИЗАТОР ТОРГОВ: ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ “СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА” Ташкентской области.

АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ “ПАХТА БАНК” ФАОЛИЯТИГА ОИД МУХИМ ФАКТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ “ПАХТА БАНК”НИНГ 11 - ЧИҚАРИЛУВ АКЦИЯЛАРИ ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ

Идентификацион рақами: RU111P0226R5 Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкни Бошқариш Давлат Кўмитаси

1. БАНК ТЎҒРИСИДАГИ АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР Банеюне тўлиқ ва қисқартirilган номлари: Акциядорлик Тижорат “Пахта Банк”

